

МАМЛАКАТИМИЗ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ИСЛОМИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Абсаматов Аскар Эргашович
Термиз давлат университети

Аннотация. Ушбу мақолада тиҷорат банкларида исломий банк хизматларидан фойдаланиш ўйлари ҳамда унинг афзаликлари таҳлили ва ривожлантириш истиқболларини такомиллаштириш ҳақида сўз боради. Шунингдек, мақолада исломий банк хизматларидан фойдаланиш ўйларини Ўзбекистон Республикаси тиҷорат банклари фаолиятида фойдаланишини ривожлантириш истиқболларидаги мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиши бўйича муаллиф ёндашувлари ва таклифлари келтирилган.

Калим сўзлар: тиҷорат банклари, ислом молияси, мушорака, сукук, мудораба, муробаҳа, молиялаштириш, ислом банклари, ислом дарчалари.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ВНЕДРЕНИЯ ИСЛАМСКИХ БАНКОВСКИХ УСЛУГ В ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ НАШЕЙ СТРАНЫ

Абсаматов Аскар Эргашович
Термезский государственный университет

Аннотация. В данной статье рассматриваются способы использования исламских банковских услуг в коммерческих банках, анализ их преимуществ и улучшение перспектив развития. Кроме того, в статье представлены существующие проблемы в перспективах развития способов использования исламских банковских услуг в деятельности коммерческих банков Республики Узбекистан, а также авторские подходы и предложения по их устранению.

Ключевые слова: коммерческие банки, исламские финансы, мушараха, сукук, мудараха, муррабаха, финансирование, исламские банки, исламские окна.

THEORETICAL FOUNDATIONS OF THE INTRODUCTION OF ISLAMIC BANKING SERVICES IN THE ACTIVITIES OF COMMERCIAL BANKS IN OUR COUNTRY

Absamatov Askar Ergashovich
Termiz State University

Abstract. This article discusses the ways of using Islamic banking services in commercial banks, analyzing their advantages and improving development prospects. The article also presents existing problems in the prospects for the development of methods of using Islamic banking services in the activities of commercial banks of the Republic of Uzbekistan, as well as the author's approaches and proposals for eliminating them.

Key words: commercial banks, Islamic finance, musharakah, sukuk, mudaraba, murabaha, financing, Islamic banks, Islamic windows.

Кириш.

Сўнгги йилларда жадал ривожланиб бораётган ва жаҳон молиявий маконини ишончли забт этаётган Исломий молия тизимиға бўлган қизиқиши тобора кучаймоқда. Янги исломий банклар, суғурта ташкилотлари, инвестиция жамғармалари ташкил қилиниб, ҳатто ушбу тизим мусулмон бўлмаган мамлакатларда ҳам кенг ривожланаётгани эътиборга молик. S&P Global Ratings маълумотларига кўра, «глобал исломий молия сектори 2022 йилда муҳим босқични босиб ўтди, умумий шариатга мос активлар 9,4 фоизга ўсиб, 3 миллиард доллардан ошиб кетди. Кўрфаз ҳамкорлик кенгаши (GCC)даги ислом банклари ўртасидаги мустаҳкам ўсиш ва соғлом сукук бозори туфайли 2023-2024 йилларда ҳам худди шундай ўсиш кутилмоқда»⁹⁸.

Янги исломий банклар, суғурта ташкилотлари, инвестиция жамғармалари ташкил қилиниб, ҳатто ушбу тизим мусулмон бўлмаган мамлакатларда ҳам кенг ривожланаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлис палаталарига йўллаган Мурожаатномасида: “Мамлакатимизда Ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақт-соати етиб келди. Бу борада Ислом тараққиёт банки ва бошқа ҳалқаро молия ташкилотлари эксперталари жалб этилади” (Мурожаат, 2020), – деб таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистондаги бизнес субъектларининг 80 фоизи ички манбалар ҳисобидан молиялаштирилади ва уларнинг чорак қисмигина кредит хизматидан фойдаланди. Банк активларининг 85 фоизи эса давлат банкларига тегишли ва уларда кичик ва ўрта бизнесни молиялаштириш учун саноқли маҳсулотлар мавжуд. Шу боис, аксарият корхоналар банкларни молиялаштиришнинг афзал манбаи ҳисобламайди. Бу эса бизнес субъектларининг молиявий ҳисботларга етарли даражада эътибор бермаслиги, солиқ идораларига тақдим этадиган расмий ҳисботларида эса аксарият ҳолатда ҳақиқий молиявий ҳолатни кўрсатмаслигига сабаб бўлмоқда. Тижорат банклари ҳам ўз навбатида бундай ҳисботларга ишонч билдиримайди ва бу кўплаб субъектларни кредитлаш имкониятидан маҳрум қилиши оқибатида кўплаб тадбиркорларнинг кредитлаш имконияти чекланишига олиб келиши бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланган ҳолда, сўнгги йилларда турли иқтисодчи олимларнинг илмий адабиётларида ислом молияси, жумладан, ислом банк хизматлари мавзуси кўплаб тушунчалар ва илмий изланишлар мавжуд. Қуйида Ислом банк хизматлари иқтисод, молия ва ислом ҳуқуқи соҳаларидағи машҳур олимлар фикрларини келтириб ўтамиз. Жумладан: покистонлик машҳур иқтисодчи, ислом иқтисодиёти ва молияси бўйича мутахассис Муҳаммад Нежатуллоҳ Сиддиқийнинг (2004) асарларида ислом молиясининг жиҳатлари, жумладан, ислом банкларининг ишлаш механизмлари ва тамойиллари мавжуд. Покистонлик яна бир исломий олим ва иқтисодчи Муҳаммад Тақи Усмоний (2021) бўлиб, у исломий молия ва банк фаолияти билан машҳур. У бу мавзуда кўплаб китоблар ва мақолалар ёзган. Хусусан, «Усмоний Форс кўрфазида исломий молия ривожланишида муҳим рол ўйнаган ва 14 фирма, жумладан, Баҳрайн Марказий банки ва Абу-Даби Ислом банкининг шариат кенгашида ўрин олган. У, шунингдек, Жиддадаги Ислом фиқҳи академияси, илфор исломшунослик банки аъзоси ҳисобланади ва Усмоний Покистонда “Меезан Банк”ни ташкил қилганида исломий банк концепциясини яратган». Усмоний томонидан таклиф қилинган асосий тушунчалардан бири ислом банкчилигида фоизларни (риболарни) тақиқлаш тамойилидир. Исломда қарз маблағларидан даромад олиш адолализ ҳисобланади, шунинг учун Усмоний Мударабаҳ (шериклик), Ижара (лизинг), Мурабаҳа (савдо битими) ва Сукук (Ислом облигациялари) каби муқобил молиявий воситалардан фойдаланишни таклиф қиласди.

Усмоний ислом банкчилигида ахлоқий жиҳатлар муҳимлигини ҳам таъкидлайди. Унда адолат, ошкоралик, ҳисобдорлик ва ижтимоий масъулият тамойилларида амал қилишга чақирилади. Унинг фикрича, банк операциялари ҳалолликка асосланиши керак. Усмоний томонидан таклиф қилинган яна бир концепция Исломий Мудараба банк шартномасидир. У омонатчилар ва банклар ўртасидаги ҳамкорликнинг ушбу шаклидан фойдаланишни таклиф қиласди, бунда банклар омонатчилар маблағларини бошқарувчи вазифасини бажаради ва ўз иши учун комиссия олади.

⁹⁸ <https://www.thebanker.com/Islamic-Banking-Awards-2023-1685604285>

Усмоний, шунингдек, исломий банкинг орқали ижтимоий адолатни тарғиб қилишга эътибор қаратади. У иқтисодий ривожланишга ёрдам берадиган ва жамиятдаги тенгизликтин камайтирадиган молиявий маҳсулотларни ишлаб чиқишига чақиради. Муҳаммад Тақи Усмонийнинг (2021) ислом банки тушунчалари мусулмон дунёсининг кўплаб мамлакатларида ушбу соҳанинг ривожланишига асос бўлди. Унинг асарлари ислом молия бозори тамойиллари ва амалиётининг шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатган.

Ливанлик иқтисодчи Аҳмад Эл Нажжар (2014), замонавий ислом банк тизими асосчиларидан бири ҳисобланади. 1963-йилда у Мисрда дунёдаги биринчи исломий банк бўлган "Nasser Social Bank"га асос солган. Эл-Нажжар ислом банкининг ахлоқий жиҳатлари муҳимлигини таъкидлайди. Унинг таъкидлашича, исломий молия институтлари нафақат фойдани кўпайтиришга эмас, балки ижтимоий манфаат ва барқарор ривожланишга эришишга интилиши керак. Бунга ижтимоий инвестициялар, экологик фондлар, хайрия дастурлари ва бошқа чора-тадбирлар орқали эришиш мумкин.

Эл-Нажжар (2014), шунингдек, анъанавий ислом банклари ва анъанавий молия институтлари ўртасида ҳамкорлик қилишга чақиради. Унинг фикрича, бу ислом банклари фаолиятининг шаффоғлиги ва самарадорлигини оширишга ёрдам беради, шунингдек, инновациялар учун янги имкониятлар яратади. Умуман олганда, Аҳмад Эл-Нажжарнинг ислом банкилиги ҳақидаги илмий қарашлари унинг ислом тамойиллари ва қадриятларига мос келадиган молиявий тизимни ривожлантириш истагини акс эттиради. У банк муассасалари фаолиятида ахлоқий тамойиллар, барқарорлик ва ижтимоий масъулиятни талаб қиласди дея таъкидлайди.

Муҳаммад Анвар (1992) молия ва банк соҳасида таниқли покистонлик олимдир. У исломий молияга ихтисослашган ва бу борада кенг кўламли тадқиқотлар олиб борган. Муҳаммад Анвар (1992) ўз тадқиқотида исломий молиянинг турли жиҳатларини, жумладан, ислом банки, суғурта, сармоя ва шариат тамойилларига мос келадиган бошқа молиявий маҳсулотларни ўрганганди. Шунингдек, у ислом молиясида рискларни бошқариш соҳасидаги турли стратегия ва услубларни таҳлил қиласди.

Суриялик олим Монзер Каҳф (2004), исломий молия ва банк иши бўйича кўплаб мақола ва китоблар муаллифи. Каҳфа иқтисодий жиҳатдан кам ривожланган мамлакатлар ривожланиши учун ислом банкларидан фойдаланишини қўллаб-куватлайди. Унинг фикрича, бундай банклар кам даромадли ёки анъанавий банкларга кириш имкони бўлмаган шахлар учун молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятини таъминлай олади. Бу барқарор ривожланишга ҳисса қўшиши ва жамиятдаги тенгизликтин камайтириши мумкин. Монзер Каҳф (2004) исломий банкларни сунистеъмол қилишнинг олдини олиш ва барқарорлигини сақлаб қолиш учун қатъий тартибга солиш ва назорат қилиш зарурлигига ишора қиласди. У ислом молия тизимидағи рискларни самарали мониторинг қилиш ва баҳолаш муҳимлигини таъкидлайди. Умуман олганда, Монзер Каҳф (2004) ислом банкларига ахлоқий ва ижтимоий масъулиятли молиявий тизимни яратиш воситаси сифатида ижобий нуқтаи назарга эга. У уларни, айниқса, камбағаллар учун иқтисодий ривожланишга эришиш воситаси сифатида кўради.

Бангладешлик олим Муҳаммад Акрам Хон таниқли ислом иқтисодчиси ва файласуфи бўлиб, ислом молиясининг ривожланишига катта таъсир кўрсатган. Унинг ислом банк иши ҳақидаги илмий қарашлари ислом ҳуқуқи (шариат) ва иқтисодий адолат тамойилларига асосланади. Хоннинг фикрича, ислом банклари кўпинча фоиз ставкалари асосида қарз олувчилар билан шуғулланадиган анъанавий тижорат банкларидан фарқли равишда "риск ва мукофот" тамойилига амал қилиши керак. Унинг фикрича, фоиздан фойдаланиш шариатга зиддир, чунки бу исломда тақиқланган ноаниқлик ёки таваккалчиликдан фойда олишни англатади. Бунинг ўрнига Хон ислом тамойиллари асосида тадбиркорлар ва кичик бизнесни молиявий қўллаб-куватлаш мақсадида жамғармалар ва инвестицион ҳисобвараклар ташкил этишни қўллаб-куватлайди. Хон, шунингдек, ислом банкларида ахлоқий хулқ-авторни қўллаб-куватлайди, шаффоғлик, очиқлик ва мижозларга нисбатан масъулиятни тарғиб қиласди. У эксплуатация ёки тенгизликтин олиб келиши мумкин бўлган молиявий операциялардан қочишига чақиради ва молиявий маҳсулотларни ишлаб чиқишида жамоатчилик манфаатларини ҳисобга олиш муҳимлигини таъкидлайди (Фармон, 2020).

Булар ислом банк иши соҳасида тадқиқот олиб бораётган олимларнинг бир неча мисолидир. Бу соҳага ўз ҳиссасини қўшган бошқа олимлар ҳам кўп. Бу ва бошқа кўплаб олимлар ўзларининг илмий изланишлари, нашрлари ва бу соҳадаги ўргатишлари орқали ислом банк иши

назарияси ва амалиётини ривожлантиришга катта ҳисса қўшдилар. Шунингдек, чет эллик олимларнинг қараваларида, ислом молия хизматлари, авваламбор, иқтисодиётда тижорат банклари ва мамлакат тараққиятига ҳисса қўшадиган инновацион хизматлар ёки молия саноати учун инновацион лойиҳалардир.

Юқоридаги келтирилган фикрларга асосланган ҳолда, бизнинг фикримизча, ислом банкини қонунлар асосида фаолият юритувчи мега-регулятор сифатидаги кредит банклари ва миллий банклар мажмуи сифатида қараваладиган мумкин. Шариат ва ижтимоий йўналишга эга бўлиш, ҳар бир алоҳида мамлакатда тасдиқланган пул-кредит сиёсати доирасида ва пул ресурсларини жамият манбаатларига мувофиқ қайта тақсимлашни таъминлаш асосий вазифаларданadir.


Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотда илмий абстракциялаш, гурухлаш, қиёслаш, ретроспектив ва истиқболли, эмпирик таҳдил ва бошқа услублардан фойдаланилди. Мақолада қиёсий тақбослаш усулида жаҳон амалиётida ва тараққий этган тижорат банкларида ислом банк хизматларидан фойдаланиш усулларининг ташкилий-хукуқий асосларини мамлакатимиздаги мавжуд асослар билан тақбослаб, тегишли хуносалар шакллантирилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ислом банклари ислом тамойилларига мувофиқ сармоя имкониятларини таклиф қилувчи ислом фонdlарига ўз сармояларини ошириши ҳамда мижозларга қулайлик яратиш мақсадида технологик инфратузилмасини яхшилаши мумкин. Улар янада самарали хизматларни тақдим этиш учун мобил иловалар, интернет-банкинг ва бошқа онлайн хизматларни ишлаб чиқмоқдалар. Шунингдек, Ислом банклари мижозлар базасини кенгайтириш ва рақобатбардошлигини ошириш мақсадида бошқа банклар ёки молия институтлари билан ҳамкорлик шартномалари тузиш юзасидан амалий ишлар олиб бормоқдалар. Ислом банклари кўпроқ мижозларни, айниқса, бу хизматлар билан ҳали таниш бўлмаганларни жалб қилиш учун исломий молиявий хизматларни оммалаштиришмоқдалар.

Бугунги кунда ривожланган давлатларда Ислом банклари фаолиятига исломий молиявий хизматларни ривожлантиришга ёрдам берадиган сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун ҳукумат билан ҳамкорлик ишларини олиб бормоқдалар.



1-расм. Ислом банки хизматларини ишлаб чиқиш тизими⁹⁹

⁹⁹ Муаллиф ишланмаси

S&P Global Ratings маълумотларига кўра, глобал исломий молия сектори 2022 йилда муҳим босқичга эришган, умумий шариатга мувофиқ активлар 9,4 фоизга ўсиб, 3 триллион доллардан ошиб кетди. Умуман олганда, 2023/24 йилларда ҳам худди шундай ўсиш кутилмоқда, бу Форс кўрфази ҳамкорлик кенгашидаги (GCC) ислом банклари ўртасидаги мустаҳкам ўсиш ва соғлом сукук бозори билан боғлиқ¹⁰⁰. Ҳозирги даврда Ўзбекистондаги микро, кичик ва ўрта бизнесни банклар томонидан молиялаштиришга бўлган эҳтиёж таҳминан 11,79 миллиард АҚШ долларига teng, бу эса ЯИМнинг 17,67% ни ташкил қиласи. Фақат кичик ва ўрта бизнес учун эса 10,26 миллиард АҚШ доллари миқдорида молия маблағлари талаб этилади.

Сўнгги йилларда исломий молия FinTech соҳалари билан бир қаторда, шунингдек, ҳалқаро молиявий хизматлар саноатида энг жонли ва шу билан бирга ҳали кўзга яққол ташланмаган тармоқлардан бири бўлиб қолмоқда. Исломий молия атамаси маҳсулот ва хизмат турларининг кенг доирасини ўз ичига олади. Ислом молияси ва банкининг умумий амалиётлари ислом динининг ўрнатилиши билан бирга пайдо бўлди. Бироқ, институционал ислом молияси XX асрдан кейин ташкил этилган. Айни пайтда ислом молия сектори йилига 15 фоиздан 25 фоизгача ўсиб бормоқда, ислом молия институтлари эса дунё бўйлаб умумий қиймати 2,7 триллион доллардан зиёд активларни бошқармоқда. Ҳозирги вақтда Ислом молияси энг яхши йўлга қўйилган учта давлат Саудия Арабистони, Эрон, Малайзия кўрсаткичлар кўлами бўйича глобал бозор ҳажмининг 66 фоизига эгалик қиласи.

Бугунги кунда МДҲ мамлакатларида ислом молия саноатининг ўсиши бошқа давлатларга қараганда секинроқ, аммо бу минтақада имкониятларнинг ортиб бораётгани туфайли жаҳон ҳалқаро банк саноатининг эътиборини тортмоқда. МДҲ давлатлари ҳукуматлари ушбу секторни ривожлантириш бўйича ташаббус кўрсатса, кейинги беш йил ичida ислом банки иши сезиларли даражада ўсиб бормоқда. Ислом банклари лойиҳаларни молиялаштиришдан фойда олишади.

Иқтисодиётнинг асосий ва ажралмас бўғини ҳисобланган банк тизимида ислоҳотларни жадаллаштириш, банк хизматлари бозори ҳажмини ошириш, соҳада рақобатни ривожлантириш йўналиши бўйича ҳам қатор вазифа ва мақсадлар белгиланган. Уларга эришиш бугунги кундаги банк тизимини бутунлай янги даражага олиб чиқади.

Хусусан, биринчи мақсад сифатида банк ва молия тизимида йиллик кредитлаш ҳажмини 40 миллиард долларга етказиш, банк омонатлари ҳажмини 4 баробар ошириш белгиланган. Марказий банк маълумотларига кўра, 2022 йилда мамлакатимизда банклар томонидан кредитлаш ҳажми 34,6 миллиард долларни ташкил қиласи. Стратегияга кўра, ушбу кўрсаткични 1,16 баробар ошириш кўзда тутилмоқда.

Бундан кўзланган асосий мақсад эса иқтисодиёт ривожига кредит маблағлари оқими ва кредит айланмасини жадаллаштириш, йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини ишга туширишда кредитлаш механизмига таяниш, кредитлар мақбуллигини таъминлашdir. Зоро, иқтисодиёт тармоқларини доимий асосий ва айланма капиталга инвестициясиз ривожлантириш мумкин эмас. Мазкур мақсаддан келиб чиқиб, банкларимиз ҳам кредитлаш ҳажмини мутаносиб равища оширади (Фармон, 2020).

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган тижорат банклари томонидан ислом банк хизматларини амалиётга жорий этиш юзасидан амалий ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, «Алоқабанк» АТБ ҳамда Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси ўртасида исломий молиялаштиришнинг «Муробаҳа» инструменти бўйича қиймати 30 млн доллар миқдоридаги битим имзоланди.

Бундан ташқари, «Микрокредитбанк» АТБ ва Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси кичик бизнес ва хусусий секторни молиялаштириш кредит линияси бўйича қиймати 30 млн доллар бўлган ҳамкорлик келишувига эришди.

Шунингдек, «Ипак Йўли» АИТБ ва Ҳалқаро Ислом савдо-молия корпорацияси (ITFC) ўртасида савдо молиялаштириш линияси бўйича қиймати 15 млн доллар бўлган асосий шартлар рўйхати тасдиқланди.

Жаҳон тажрибасига кўра Исломий банкларни куйидаги ташкилий шаклларда бўлиши мумкин:

1. “Ислом дарчалари” деб аталадиган анъанавий ва Исломий банк операцияларини биргаликда амалга оширадиган оддий тижорат банки ичida яратилган, аммо бухгалтерия ҳисоби Исломий хизматлар учун алоҳида олиб борилади.

¹⁰⁰ <https://www.thebanker.com/Islamic-Banking-Awards-2023-1685604285>

1-жадвал

Тижорат банклар билан ислом молияси банклари ўртасидаги асосий фарқлар¹⁰¹


АНЪНАВИЙ БАНК ФАОЛИЯТИ	ИСЛОМ БАНКИ ФАОЛИЯТИ
Пул айирбошлаш ва қийматни сақлаш воситасидан ташқари товардир. Шунинг учун уни номинал қийматидан юқори нархда сотиш ва ижарага бериш ҳам мумкин.	Пул товар эмас, лекин у айирбошлаш воситаси ва қийматни сақлаш воситаси сифатида ишлатилади. Шунинг учун уни номинал қийматидан юқори нархда сотиш ёки ижарага бериш мумкин эмас.
Вақт қиймати капиталга фоизларни ҳисоблаш учун асосдир.	Товар савдосидан ёки хизматлар кўрсатишдан олинадиган даромад фойда олиш учун асос бўлади.
Банк маблағларидан фойдаланган ҳолда ташкилот зарар кўрган тақдирда ҳам фоизлар ундириллади. Шунинг учун у фойда ва зарарни тақсимлашга асосланмаган.	Ислом банки фойда ва зарарни тақсимлаш асосида ишлайди. Агар тадбиркор зарар кўрган бўлса, банк бу йўқотишни кўлланилган молиялаштириш усулига қараб тақсимлайди (Мударабаҳ, Мушарақа).
Нақд пул маблағларини бериш, молиялаштириш ёки айланма маблағларни молиялаштиришда товарлар ва хизматлар алмашинуви бўйича келишув тузилмайди.	Мурабаҳа, Салам ва Истисна шартномалари бўйича маблағларни тақсимлашда товарлар ва хизматлар алмашинуви бўйича шартномалар бажарилиши шарт.
Анънавий банклар пулни инфляцияга олиб келадиган товар сифатида ишлатади.	Ислом банки савдо билан боғлиқ фаолиятдан фойдаланган ҳолда иқтисодий тизимнинг реал секторлари билан алоқа ўрнатишга интилади. Чунки пул реал активлар билан боғлиқ бўлгани учун у иқтисодий тараққиётга бевосита ҳисса қўшади.
Анънавий банк асосий эътиборни кредитлашга қаратади.	Ислом банки асосий эътиборни сармояга қаратади.
Анънавий банклар фақат молиявий мезонлар асосида иш юритади.	Ислом банклари инвестицияда ахлоқий мезонларга асосланади.
Анънавий банкларнинг фаолияти инсон омилига (асосан капитализм назарияларига) асосланади.	Ислом банклари фаолияти ислом шариатининг қоидаларига асосланади.
Инвестор ёки кредитор олдиндан белгилangan фоиз ставкаси бўйича савдо қиласи ёки даромадни кафолатлади.	Ислом банклари капиталнинг эгаси билан инвестор ўртасида риск тақсимотини тасдиқлайди.
Анънавий банклар ўз мижозининг ишончли эканига кўпроқ эътибор беради.	Улар лойиҳаларнинг молиявий имкониятларига эътибор қаратади.
Анънавий банклар уларга кўйилган барча депозитларни кафолатлаши керак.	Ислом банклари шахсий ҳисобварақларга кўйилган пулларни кафолатлади, аммо мудараба инвестицияларига кафолат бермайди, чунки бошқа томоннинг йўқотишларини бўлишади.

¹⁰¹ <https://bankers.uz> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

2. “Исломий filial” “Ислом дарчалари”га ўхшайди, тижорат банки эса алоҳида Исломий филиални яратади, аммо бухгалтерия ҳисоби алоҳида юритилмайди.

3. “Шўба” - тижорат банки Исломий молиявий хизматларни кўрсатиш учун маҳсус шўба корхонасини яратганда. Шу билан бирга, ушбу компания Исломий банк хизматлари бўйича мустақил молиявий сиёсатни шакллантиради ва амалга оширади, аммо бош банкнинг умумий бизнес стратегияси доирасида.

4. “Тўлиқ Исломий банклар” мустақил Исломий банклар бўлиб, улар ишлаб чиқилган банк сиёсати ва стратегиясига мувофиқ ўз филиаллари ва бўлинмалари орқали тўлиқ кенгайтирилган Исломий молиявий хизматларни тақдим этадилар.



2-расм. Тижорат банкларининг исломий банк хизматлари турлари¹⁰²

Юқорида келтирилган маълумотларга кўра, Исломий депозитлар инвестиция тамоиллари асосида ишлайди. Мижоз банкни бошқариш учун маблағ билан таъминлайди ва банк ўз билим ҳамда тажрибасидан фойдаланган ҳолда уларни кейинчалик мижоз билан фойда тақсимлаш билан лойиҳаларга инвестиция қиласди. Фарқи шундаки, агар анъанавий банклар омонатчининг пулидан фойдалангани учун мижозга белгиланган фоиз тўласа, Ислом банклари омонатчилар билан банк томонидан молиялаштириладиган лойиҳалардан олинган фойданинг бир қисмини баҳам кўришади. Ислом банкини кредит ташкилотлари ва миллий банкни жамиятда шариат қонунлари асосида ишлайдиган ва ижтимоий йўналишга эга бўлган мегарегулятор сифатида, ҳар бир алоҳида мамлакатда тасдиқланган пул-кредит сиёсати доирасида ҳамда пул ресурсларини жамият манфаатлари йўлида қайта тақсимлашни таъминлаш сифатида белгилаш мумкин.

Омонатчиларнинг маблағлари шариат томонидан рухсат этилган лойиҳалар ва корхоналарга иқтисодиётининг ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистикадан тортиб йирик қурилиш лойиҳалари ва нефт ва газ саноатидаги компанияларга, яъни одамларга

¹⁰² Муаллиф ишланмаси

фойда келтирадиган корхоналарга инвестиция қилинади. Омонатчилари фақатгина дивидендларга эътибор қаратган ҳолда, ўз маблағлари нималарга инвестиция қилинишини билмайдиган анъанавий банклардан фарқли равишда, Ислом банкларида омонатчи пул маблағларининг келгусидаги ҳаракатини кўриши мумкин, бунда маблағ бизнесга инвестиция қилинади ҳамда фойдаси банк ва омонатчи ўртасида бўлинади.

Хуносаси тақлифлар.

Исломий банк тизими иқтисодий операцияларни амалга ошириш учун капитал ва қарз молиявий воситаларининг кенг доирасини тақлиф этади. Улардан фойдаланиш банклар фаолиятидан фоизли даромадлар ва харажатларни истисно қиласди. Бунинг ўрнига кредит ташкилотлари фойда ва ўз хизматлари учун барча турдаги тўловларни (комиссиялар, агентлик тўловлари ва бошқалар) олади. Ислом банклари, анъанавий кредит ташкилотлари сингари, молиявий ресурсларни жалб қиласди ва тарқатади.

Ислом банк хизматларидан фойдаланишда юзага келадиган бир қатор муаммолар ва қийинчиликлар Исломий институтлар томонидан инқирозни муваффақиятли бартараф этиш, шунингдек, хорижий компанияларга капитал қўйишининг жозибали истиқболлари ва ушбу минтақадан маблағ жалб қилишининг кенг имкониятлари билан изоҳланади. Бундан ташқари, фойда тақсимоти ва капитал иштироки тизими иқтисодчилар томонидан иқтисодиётнинг истиқболли йўналиши сифатида қаралади. Ислом банкларининг муваффақияти, биринчи навбатда, мижозларга индивидуал ёндашиб, хатарларни яхшироқ баҳолаш ва уларни шартномалар тарафлари (банк ва мижозлар) томонидан ажратишга асосланган. Глобал пандемия Исломий банкларнинг намоён бўлишига чидамлилигини кўрсатди. Дунё бўйлаб анъанавий банклар зарар кўраётган бўлса-да, Исломий банклар деярли зарар кўрмайдилар ва ликвидлигини йўқотмасдан ўз фаолиятини давом эттироқдалар. Ислом банк тизимининг барқарорлиги инқироз даврида Ислом банклари активларининг ўсиши давом этаётганидан далолат беради. Ислом банкларининг унчалик хавфли емаслиги, Исломий бўлмаган дунёдаги банклар учун маълум банк маҳсулотларидан фаол ва пассив операциялар нуқтаи назаридан фойдаланишини жозибадор қиласди.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Ahmad A.N., M., Umar, A. A., Khamidi, M. F., & Idrus, A. (2014). *Financing PF2 projects: Opportunities for Islamic project finance*. Procedia engineering, 77, 179-187.

Kahf M. (2004) *Islamic banks: The rise of a new power alliance of wealth and shari'a scholarship-The politics of Islamic finance*.

Muhammad Anwar, (1992). "*Islamic Banking in Iran and Pakistan: A Comparative Study*," *The Pakistan Development Review*, Pakistan Institute of Development Economics, vol. 31(4), pages 1089-1097.

Siddiqi M. N. et al. (2004) *Riba, bank interest and the rationale of its prohibition*. – Jeddah : Islamic Research and Training Institute.

Usmani M. M. T. (2021) *An introduction to Islamic finance*. – Brill, – T. 20.

Мурожсаат (2020) Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожсаатномаси. 2020 йил 29 декабрь. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

Фармон (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2020 – 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли Фармони.